

Одам атонинг бўйлари

09:45 / 05.03.2018 8526

Савол:

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, бир марузада Одам алайҳиссаломнинг бўйлари камида 60 метр бўлганини таъкидлади. Ростдан ҳам Одам атонинг бўйлари 60 метр бўлганми? Вақтингизни ажратиб саволимга жавоб берганингиз учун аввалдан раҳмат.

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#)

Ва алайкум ассалом!

لَا أَقَمَّ لَسَوْ وَهِيَ لَعْلَعُ لَلِإِلَّهِ صَبَّيْ بِنِ لَلِإِنْعَ، هُنَّ عُلُجُ لَلِإِيضَرَّةَ رِيَّ بَأَنْ عَن
نَمَكَيْلُ وَأُقَلَعُ مَلَسَفُ بَهَذَا؛ لَأَقُمَّتْ، أَعَارِدَن نُوْتَسُ هُلُطُ وَمَدَأُ لَلِإِقَلَح
لَأَقَفَ، كَلَّتِي رُدُّةً يَحْتَوِ كُنُوتِي حَيَّامُ عَمَّ تَسَافَ، كَلَّتِي أَلَمُّ لَلِ
ةً مَحَرَوُ؛ هُوَذَا زَفَ، لَلِإِلَّهِ مَحَرَوُ كَلَّتِي لَمَّ أَلَسُ لَلِإِلَّهِ؛ أَوْلُ أَقَفَ؛ مُمُ كَلَّتِي لَمَّ أَلَسُ لَلِ
صُقُنَيُّ قُلُخُ لَلِإِلَّهِ زَيُّ مَلَفَ، مَدَأُ رُوْصُ يَلَعُ عَنَّا لَلِإِلَّهِ خُدَيُّ نَمُّ لُكُفَ، لَلِإِلَّهِ
نَأَلُ يَحْتَوِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ Одамни яратди. Бўйи олтимиш зироъ эди. Сўнгра унга: «Бор, анави фаришталарга салом бер ва сен билан нима деб саломлашишларини эшитиб олки, (бу) сенинг ва зурриётингнинг саломлашуви бўлади», деди. У «Ассалааму алайкум», деди. Шунда улар: «Ассалааму ғалайка ва роҳматуллооҳ» деб, бунга «ва роҳматуллооҳ»ни қўшимча қилишди. Жаннатга кирадиган ҳар ким Одам суратида бўлади. Яратилмишлар ҳозиргача кичрайиб келади». («Олтин силсила» китобидан Саҳиҳул Бухорий).

Бир зироъ қанча сантиметрлиги ҳақида уламолар ихтилоф қилганлар. 45-60 деганлар ҳам бор. Валлоҳу аълам!